

Коперникнинг дунёнинг маркази - қуёш деган кашфиёти



09:00 / 20.07.2019 4601

Маълумки, Европа аҳлининг иймон-эътиқоддан, дину диёнатдан воз кечишининг амалий бошланиши Коперникнинг «Дунёнинг маркази - қуёш» деган кашфиётидан бошланади. Бу ҳақдаги маълумотлар ўрганиладиган бўлса, Коперникнинг ўзи қуёшга кетмаган. У фақатгина илмий текширишларининг натижасини китоб қилиб ёзган ва уни чоп қилмасдан ўлиб кетган. Коперникнинг ўлиmidан тахминан юз йил ўтганидан сўнг Галилей унинг ишини яна ҳам чуқурроқ ўрганиб, одамларга билдирган.

Шундан кейин кимлардир, кўзга кўринмас яширин кучлар айнан Коперникнинг фикрининг динга қарши кўтарилишини ирода қилишган. Улар: «Муқаддас китобда «қуёш чиқади, ботади», дейилган. Бу эса қуёш ернинг атрофида айланади, деганидир. Коперник эса бу гапнинг нотўғри

эканини исбот қилди. Ер қуёшнинг атрофида айланар экан. Демак, муқаддас китоб уйдирма экан, илм эса ҳақиқат», дея жар солдилар. Черков эса бу гапнинг нобакорлик эканини эълон қилди ва бу гапни айтганларни тафтиш маҳкамасига тортишни бошлади.

Жумладан, Галилело Галилейни қариб қолган бўлишига қарамай, замбилда олиб келиб, тафтиш маҳкамасига тортдилар. Шундай қилиб, европаликлар назарида дин билан илм бир-бирига ашаддий душман бўлиб қолди. Мазкур ашаддий душманлик асосида Европада илм ривожланиб борди ва ривожланмоқда.

Шунинг учун ҳам «Қуръон ва Суннатдаги илмий мўъжизалар» деб аталган илмий йўналиш пайдо бўлгандан бери бу борадаги фикрларни тасдиқлаш учун мусулмон бўлмаган Ғарб олимларининг илмий ишлари ва гаплари ҳужжат сифатида келтириладиган бўлиб қолган. Кўпчилик кишилар бирор гапнинг илмий тасдиғини топмоқчи бўлса, Ғарб олимларининг фикрига, уларнинг илмига қарайдиган бўлиб қолди. Ҳатто «Қуръон ва Суннатдаги илмий мўъжизалар» ташкилотидаги уламоларимиз ҳам Қуръони Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидаги илмий мўъжизаларга оид оят ва ҳадислар таржимасини ғарблик олимларга бериб, уларнинг бу борадаги фикрларни олишга ҳаракат қилишни йўлга қўйдилар.

«Қуръон ва суннатдаги илмий мўъжизалар» китобидан